

“УЗУН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2026 йил 11-март куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 10⁰⁰ да Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, С.Оллохёр кўчаси 32 уйда жойлашган “Сурхондарёпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади. Йиғилиш қатнашчилари соат 09⁰⁰ да рўйхатга олиш бошланади.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

- 1. “Узун пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши регламентини ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш;**
- 2. “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятини тугатиш комиссиясининг тугатиш муддатини 6 ойга узайтириш.**
- 3. “Узун пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссиясини қайта тайинлаш тўғрисида.**

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2026 йил 17 февраль ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2026 йил 5 март ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт, ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт. (жисмоний шахслар учун-нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун-мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносидан танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Жомий кўчаси 22 уй.

тел.: +998 97 244 44 74. +998 99 717 50 54